

# TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline\_24

Haqiqat online

haqiqatonline\_



## Овжасой —

## ХАРИТАНИНГ ЧЕТИДА, МЕҲРНИНГ МАРКАЗИДА

Тоғлар сукут билан сўзлайди. Улар бағридаги қишлоқлар ана шу сукут ичра ҳаётнинг энг самимий кўшиғини куйлайди. Юртимизда мовий туманларга ўранган, тонгги шабадаси дилни поклайдиган, тунда эса юлдузлари осмонни яқинлаштириб кўйдиган бир қишлоқ бор: Унинг номи — Овжасой. Оҳангарон тумани ҳудудида, Қурама тоғлари бағрига яширинган бу қишлоқ марказдан қирқ километр узоқда жойлашган бўлса-да, табиатнинг энг гўзал неъматлари айнан шу ерга саҳийлик билан сочилган. Ҳавоси мусаффо, булоқлари зилол, одамлари эса шу тоғлардек ғурурли, шу ҳаводек покдил, бағрикенг.

Ўша кунни бу сокин масканда гайриоддий ҳаракат, янги руҳ сезилди. Вилюят ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида барча раҳбарлар олис тоғли ҳудуд — “Мовий тоғлар” бағридаги Овжасойга ташриф буюрди. Мулоқотлар, мурожаатлар, ечимлар... Қишлоқ аҳолисининг дарду ташвишлари жойида ўрганилиб, кўплаб масалаларга шу ернинг ўзида жавоб топилди. Маданий-маърифий тадбирлар, спорт беллашувлари, тиббий кўриклар эса одамлар кайфиятига янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Шунда яна бир ҳақиқат яққол намоён бўлди: овжасойликлар хаританинг чекка нуқтасида яшасалар-да, эътибор ва ғамхўрликнинг марказида экан.



### ViLOYAT bo'ylab

TOSHKENT tumanida joylashgan “ECO DRIP LUX” MCHJning ishlab chiqarish ob'ektida qishloq xo'jaligi sohasini samarali boshqarishga qaratilgan o'quv-amaliy seminar bo'ldi. Unda 2022-2025-yillar davomida qishloq xo'jaligida kadrlar tayyorlash va agroxizmatlar ko'rsatish yo'nalishida amalga oshirilgan ishlar tahlil qilindi. Mashg'ulotlar xorijiy va mahalliy ekspertlar ishtirokida o'tkazilib, rahbar kadrlarning bilim va amaliy ko'nikmalarini mustahkamlashga qaratildi.

YANGIYO'L tumanida maktabgacha ta'lim qamrovini kengaytirish maqsadida ilk rivojlanish markazlari faoliyatini yo'lga qo'yish masalasi yuzasidan o'rganishlar olib borildi. Mazkur markazlarning asosiy yo'nalishi bog'chaga bormayotgan, shuningdek, alohida ta'lim ehtiyojiga ega bolalar hamda ijtimoiy himoyaga muhtoj oilalar farzandlarini maktabgacha ta'limga qamrab olish bo'lib, davlat tomonidan to'liq moliyalashtiriladi.

OQQO'RG'ON tumani hokimi To'ra Bobolov yoshlar bilan ochiq muloqot o'tkazdi. Yoshlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ularning muammolarini joyida hal etish hamda kelgusidagi rejalar bilan yaqindan tanishish maqsadida tashkil etilgan uchrashuvda yigit-qizlarning ta'lim olishi, kasb-hunar o'rganishi, doimiy ish bilan ta'minlash, tadbirkorlik faoliyatini yo'lga qo'yish masalalari muhokama qilindi.

BEKOBOD tumanining “Bog'ishamol” mahallasida “Uch avlod uchrashuvi” bo'lib o'tdi. Samimiy muloqotda mahallaning “Keksalar maslahati guruhi”, “Buvijonlar maktabi”, “Nuroniylar va ota-onalar kengashi” a'zolari hamda o'quvchi-yoshlar ishtirok etishdi. Tadbirda maromiylik madaniyati, o'zaro hurmat, hamjihatlik, sabr-toqat va tinchlik qadriyatlarini keng targ'ib qilindi. Ustozlar va nuroniylar tomonidan hayotiy tajribalar, ibratli fikrlar bildirilib, yoshlarga muhim tavsiyalar berildi.

ZANGIOTA tumani prokuraturasi hamda tuman ekologiya bo'limi xodimlari tomonidan umumiy o'rta ta'lim maktablarining yuqori sinf o'quvchilari uchun “Ona tabiatni asrashda mening hissam” mavzusida davra suhbat tashkil etildi. Uchrashuvda o'quvchilarga tabiatni asrash, resurslardan oqilona foydalanish hamda ekologik muammolarga befarq bo'lmaslik borasida tushunchalar berildi.

### ▼ Қишлоқда бир кун

### OVJAZSOY QISHLOG'IDA MUNAVVAR OQSHOMLAR



### ▼ Депутат минбари

### ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ 2030

### Янги мақсад ва марралар зарурати

Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги хоҳиш-иродасини рубёга чиқариш ҳамда мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини ишончли таъминлаш мақсадида 2023 йилда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси қабул қилинган эди. Утган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда олиб борилган тизимли ва шиддатли ислохотлар натижасида стратегияда белгиланган қатор устувор йўналишлар, мақсадлар ҳамда уларга эришиш бўйича самарадорлик кўрсаткичлари таъминланди.

Ялли ички маҳсулот ҳажмини 2030 йилга қадар 160 миллиард долларга етказиш бўйича кўрсаткичнинг 2025 йил якунига келиб деярли бажарилиши амалга оширилган иқтисодий ислохотлар самарадорлигининг яққол ифодасидир. Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларининг жами истеъмолдаги улушини 2030 йилга қадар 40 фоизга етказиш вазифаси доирасида 2025 йилнинг ўзидаёқ 30 фоизлик маррага эришилди. Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар улушини 12 фоизгача кенгайтириш режаси амалда 14,2 фоизга етказилгани эса бу йўналишда янги мақсад ва вазифаларни белгилаш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йўлланган 2025 йил 26 декабрдаги Мурожаатномада эришилган улкан натижалар ва янги устувор вазифалар “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини қайта кўриб чиқиш заруратини тақозо этаётгани алоҳида таъкидланган эди. Бу ташаббус юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг изчиллиги ва очилкилиги яна бир бор намоён этмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатнинг 2030 йилгача мўлжалланган тараққиётнинг устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилгани алоҳида аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ▶



## Энергия самарадорлиги — барқарор ривожланиш гарови

Бугунги кунда глобал иқтисодиётда энергия ресурсларининг қадри тобора ортиб бормоқда. Саноатнинг етакчи корхоналари, хусусан, Олмалик кон-металлургия комбинати учун энергия самарадорлигини ошириш нафақат харажатларни камайтириш, балки маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашнинг бош омилдир.



### ▼ Жараён

## АСАЛНИНГ ДАРОМАДИ ҲАМ “АСАЛ”



Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳамда қишлоқ хўжалигининг даромадли тармоқларини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Ана шундай ташаббуслардан бири — асаларичилик соҳасини саноат асосида ривожлантиришдир. Сўнгги йилларда вилоятимизнинг деярли барча ҳудудларида асаларичиликка бўлган қизиқиш ортиб, ушбу тармоқ тобора оммалашиб бормоқда. Айниқса, тоғли, қир-адирли ҳудудларнинг табиий иқлим шароити асаларичилик билан шугулланиш учун жуда қулай. Шу боис Бўстонлик туманида инновацион асаларичилик кооперативини ташкил этиш бўйича муҳим лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда.

### ▼ Имконият

2

## ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ: ГЎШТНИНГ НАРХИ НЕГА ОШМОҚДА?

Паркент туманида Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев раислигида чорвачилик соҳасидаги мавжуд муаммоларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда вилоят ва туман ҳоқимликлари мутасаддилари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбарлари, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси, Солиқ бошқармаси, бандлик ва камбағалликни қисқартриш соҳаси масъуллари, шунингдек, тегишли ташкилот раҳбарлари иштирок этишди.

### ▼ Кун тартиби

Йиғилишда вилоятдаги 609 та чорвачилик хўжалиги фаолияти юзасидан ўтказилган чуқур таҳлил натижалари кўриб чиқилди. Таъкидланишича, соҳада сўнгги йилларда тизимли назорат ва талабчанлик йўқолиб, чорвачилик вилоятда энг орқага кетган йўналишлардан бирига айланган.

Республика кўрсаткичлари билан солиштирилганда, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми энг паст ҳудудлар қаторида қайд этилмоқда. Маълум бўлишича, мавжуд хўжаликларнинг 66 фоизи буғунги кун талабларига жавоб бермайди. Яъни, маҳсулдор зотлар олиб келинмаган, замонавий технологиялар жорий этилмаган, илмий ёндашув ва хорижий тажриба ўрганилмаган. Айрим хўжаликлар 15–20 йил олдин ташкил этилган бўлса-да, қорамоллар сони 30–50 бошдан ошмаган. Йиғилишда ердан самарасиз фойдаланиш масаласи ҳам кескин танқид қилинди. Чорвачилик субъектларида катта ҳажмда сувли, лалми ва яйлов ерлар ажратилган



бўлса-да, ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти. Айрим хўжаликларда умуман чорва моллари мавжуд эмас, бошқалари эса ветеринария ва санитария талабларига зид равишда қорамолларни хонадонларда парвартириш қилмоқда.

Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яшириш, гўшт ва сут ҳажмларини ҳисоботларда акс

этирмаслик ҳолатлари кенг тарқалган, бу эса яширин иқтисодийта йўл очаетгани қайд этилди. Солиқ ва сув солиғи бўйича жами 23 миллиард сўмдан ортиқ қарздорлик мавжудлиги ҳам соҳадаги масъулиятсизликни яққол кўрсатмоқда.

Вилоят ҳоқими йиғилишда масъул раҳбарларнинг лоқайдлиги ва назоратнинг сустлигини қаттиқ танқид қил

либ, ҳар бир туман кесимида аниқ вазибаларни белгилаб берди.

Хусусан, истиқболсиз ва фаолият кўрилмаётган хўжаликларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, ортиқча ажратилган ерларни заҳирага қайтариш, шартномадан сувдан фойдаланишга барҳам бериш, қарздорликларни қисқа муддатларда сўндириш ҳамда статистик ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш бўйича қатъий топшириқлар берилди.

Йиғилиш якунида соҳани ислоҳ қилмасдан туриб озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мумкин эмаслиги, чорвачиликда интизом, ҳисоб-китоб ва масъулиятни кучайтириш эса кечиктириб бўлмаз вазифа экани алоҳида таъкидланди.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги  
Ахборот хизмати

## Янги мақсад ва марралар зарурати

Такомиллашув босқичида бўлган "Ўзбекистон – 2030" стратегияси барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш, инсон капитални ривожлантириш ҳамда ҳудудлар мутаносиб тараққиёт элтиришга қаратилган билан бирга, сув ресурсларини тежаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги мақсад ва вазифаларнинг алоҳида учинчи йўналиш сифатида киритилгани эътиборга лойиқ. Зеро, буғунги глобаллашув жараёнида мазкур масалалар Марказий Осиё минтақасида экологик танглик ҳудудда жойлашган Ўзбекистон учун гоёт муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, 2030 йилга бориб қишлоқ хўжалиги экин майдонларини сув тежовчи технологиялар билан 100 фоиз таъминлаш, қолаверса, сувдан фойдаланиш самардорлигини 25 фоизга ошириш йил сайин сув тақчиллигини бошдан кечираётган мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона ва барқарор фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Шунингдек, ўрмон билан қопланган майдонларни 6,1 миллион гектарга, Орол денгизи ҳудудидаги яшил майдонлар умумий ҳажминини эса 2,6 миллион гектарга етказиш бўйича янги кўрсаткичларнинг белгиланиши нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақа манфаатларига ҳам хизмат қилади.

Сир эмас, буғун саноат корхоналари фаолияти айрим аҳоли пунктларининг экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида стратегия лойиҳасида атроф-муҳитга таъсири бўйича I ва II тоифага кирувчи 686 та хўжалик юритувчи субъектда ифлослантирувчи технологияларни 100 фоиз модернизация қилиш, шунингдек, 425 та корхона ва ташкилотда локал оқова сувларни тозалаш иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш вазифалари белгиланмоқда. Бу чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг халқаро экологик мажбуриятларига содиқлигини янада мустаҳкамлайди.

Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий генерациядаги улушини 54 фоизга етказиш орқали иссиқхона газлари чиқиндиларини ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан 2010 йилдаги даражасидан 35 фоизга камайитириш имконияти яратилади.

"Ўзбекистон – 2030" стратегияси доирасида 2026 йил учун стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳалари рўйхатида жами 4 та концепция ва 52 та стратегия киритилган бўлиб, уларнинг аксарияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига қаратилган экологлар зиммасига катта масъулият юкламоқда.

Хусусан, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий иқлим стратегияси, саноат чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси, Оролбўйи минтақасини 2030 йилгача барқарор ривожлантириш стратегияси ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган миллий стратегиялар шулар жумласидандир.

Бу жараёнда халқ вакиллари бўлган депутатлар, шунингдек, кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки илоҳотларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишига хизмат қилади. Шу боис, мамлакатимиз келажакни белгилаб берадиган ушбу муҳим стратегия муҳокамасида ҳар бир фуқаронинг фаол катнашиши, билдирилаётган таклиф ва мулоҳазаларнинг инobatга олиниши Янги Ўзбекистон тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Моҳира ХЎЖАЕВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати

## АСАЛНИНГ ДАРОМАДИ ҲАМ "АСАЛ"



Яқинда вилоят Камбағалликни қисқартриш ва бандлик бошқармаси ҳамда туман ҳоқимлиги ташаббуси билан асаларичилик соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида пресс-тур ташкил этилди. Унда оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналист ва блогерлар иштирок этиб, соҳадаги мавжуд имкониятлар ҳамда янги лойиҳалар билан яқиндан танишишди.

Маълумки, жорий йил январь ойида Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида камбағалликни қисқартриш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилдаги устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Унда туманнинг "Думалок" маҳалласида инновацион асаларичилик кооперативини ташкил этиш режаси ҳам алоҳида қайд этилди.

Лойиҳа доирасида ҳудуддаги 50 нафар асаларичи туркиялик ҳамкорлар (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

билан саноат усулида асаларичиликни йўлга қўяди. Бунинг натижасида 20 турда асал тайёрлаш режалаштирилган.

Журналистлар асаларичилар учун ташкил этилган ўқув-семинарда ҳам иштирок этишди. Машғулотда саноат усулида асаларичиликни ривожлантириш, маҳсулотларни қайта ишлаш ҳамда ягона бренд остида ташқи бозорларга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Семинарда тажрибали асаларичилар билан бир қаторда, мазкур соҳада фаолият бошлаш истагида бўлган фуқаролар ҳам катнашди. Лойиҳага мувофиқ, дастлаб 50 нафар ташаббускор асаларичилик кооперативига бирлаштирилади. Туркиялик мутахассислар томонидан 310 нафар аҳоли ўқитилади.

Шунингдек, ҳудудда асаларичилик маркази ва махсус корхона ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, бу мақсад учун 18 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган. Натижада 60 та доимий,



мавсумий даврда эса 500 та иш ўрни яратилади. Асалари уйлари сони 2 мингтага етказилиб, йиллик маҳсулот ҳажминини 50 тоннага, экспорт қийматини 400 минг долларга етказиш мақсад қилинган.

– Кооператив аъзоларининг даромади келишилган тартибда тақсимланади, – дейди Туркия асаларичилик жамғармаси раҳбари Жем Атай. – Ҳар бир қарор ўзаро овоз бериш асосида қабул қилинади. Бугун жаҳон бозорида асалари маҳсулотларига талаб юқори. Айниқса, ари сути, гул чанги, ари заҳри, прополис жуда харидорлигир. Ўзбекистон шароитида бу маҳсулотларни саноат усулида қайта ишлаш орқали катта даромад олиш мумкин.

Иштирокчилар "Уенкулсой" маҳалласида истиқомат қилувчи, қарийб



40 йилдан бери асаларичилик билан шуғулланиб келаётган Беғали Амиркулов хонадонда ҳам бўлишди. Беғали ака юқори сифатли асал тайёрлаш билан бирга ўз тажрибасини шоғирдларига ҳам ўргатмоқда. Айни пайтда бу ерда маҳсулотни қадоқлаш ва бозорга чиқариш тизими йўлга қўйилган бўлиб, ойига 20 миллион сўм атрофида соф даромад олинмоқда.

Бизга берилган маълумотга кўра, тумандаги 55 та маҳалланинг қарийб 20 таси асаларичиликка ихтисослашган. Утган йили шу соҳада фаолиятини бошлаган 200 дан ортиқ фуқарога имтиёзли кредитлар ажратилиб, давлат томонидан тизимли қўллаб-қувватланди.

Нигора УРОЛОВА,  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

## Энергия самарадорлиги – барқарор ривожланиш гарови

Бу борада комбинатда стратегик ислохотлар ва уларнинг иқтисодий натижадорлиги бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир киловатт-соат энергиянинг ортда машаққатли меҳнат ва катта харажат ётади. ОКМКдек гигант корхонада энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлаб чиқариш занжирининг энг муҳим бўғинига айланган. Комбинатда энергия тежамкорлиги бўйича қандай натижаларга эришилди ва олдинда бизни қандай марралар кутмоқда? Бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар бўйича рақамлар ва фактлар таҳлилига назар соламиз.

Ўзбекистон Республикасининг "Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 19 октябрдаги "Ёқилги-энергетика ресурслари истеъмолчи" (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)


лари ҳамда бино ва иншоотларнинг энергия истеъмолини энергия аудитидан ўтказиш тартибини белгилаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Олмалиқ КМК" АЖнинг бир қатор таркибий бўлинмаларида ўтказилган энергия текшируви якунланди.

Мазкур энергия аудити "Олмалиқ КМК" АЖ ва "Средасветметэнерго" АЖнинг «ТПНСУ» УК ўртасида тузилган шартномага асосан 2024-2025 йилларда ўтказилди. Комбинат корхоналарида энергия аудитини ўтказишдан асосий кўзланган мақсад барча ўрганилган корхоналарда ёқилги-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, улардан фойдаланишда қондибузарликларнинг сабабларини очиб бериш, ёқилги-энергетика ресурслари сарфининг ҳақиқий солиштирма миқдорларини аниқлашдан иборат бўлди. Шунингдек, мавжуд тежаш захираларини аниқлаш, техник ва ташкилий энергия тежаш чора-тадбирлари дастурларини

ишлаб чиқиш, прогноз қилинган тежамкорликни натура ва пул кўринишида кўрсатиш, режалаштирилган чора-тадбирларнинг дастлабки қийматини аниқлаш ҳам энергия аудитининг бош мақсади бўлди.

Ўтказилган энергетик текширув натижаларига кўра, юқори малакали аудиторлар томонидан корхоналарнинг энергия тежамкорлигини ошириш ва электр энергияси, иссиқлик, табиий газ ва саноат суви харажатларини камайитиришга қаратилган ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур 52 та тадбирдан иборат бўлиб, унда бир қатор муҳим масалалар ўрин олган.

Хусусан, дастурда фотоэлектр станцияларини ўрнатилиш орқали корхоналарнинг ўз эҳтиёжлари учун "яшил" электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган тадбирлар, ҳар бир корхонада энергияни техник ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, истеъмол



пайтда электр энергияси йўқотишларини камайитириш учун реактив қувватни компенсациялаш қурилмаларини жорий этиш белгиланган.

Бундан ташқари, электр энергияси кўп сарфланадиган участкаларда янада замонавий ва энергия тежайдиган ускуналарни, (Рух заводининг велц-лаш цехининг айланма ва куйдириш печларида газ горелкалари, барча бўлинмаларда эскирган энергия истеъмол қилувчи ускуналарни модернизация қилиш), маъмурий-маиший биноларда энергия тежаш тадбирлари

рени комплекс жорий этиш дастурларини камайитириш учун реактив қувватни компенсациялаш қурилмаларини жорий этиш белгиланган.

Шунингдек, ортиқча иссиқликни утилизация қилишда электр энергияси ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш ҳам кўзда тутилган.

Энергия тежаш чора-тадбирларини амалга ошириш дастури 2030 йилгача мўлжалланган бўлиб, унинг натижасида энергия ресурслари истеъмоли сезиларли даражада камаяди.

Шу жумладан, ҳозирги кунда комбинатнинг 80 та объектида ўрнатилган фотоэлектр станцияларининг умумий қуввати 7 344 кВт.ни ташкил этади. Мазкур фотоэлектр станциялари томонидан 2025 йил давомида жами 6,4 млн. кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Маълумот учун: ОКМКда амалга оширилаётган тежамкорлик сиёсати натижасида 2025 йилда – 143,9 млн. кВт. соат электр энергияси ҳамда 16,7 млн. куб.м. табиий газ иқтисоди-га эришилди.

Энергия сарфи юқори бўлган корхона сифатида ОКМК энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, технологик жараёнларни доимий равишда такомиллаштириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, энергия ресурслари сарфининг солиштирма меъёрларини камайитириш орқали энергия самарадорлигини доимий равишда оширишга интилади. Бу эса келгусида комбинатга ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини сезиларли даражада камайитириш, шунингдек, мамлакатимиз рангли металлургиясининг етакчиси ва байроқдори сифатидаги мақеини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Даврон ДОСМЕТОВ,  
ОКМК Энергетика хизмати  
департаменти бошлиги

Хамкасб ёди

**Бу сатрларни Паркентдан, журналист Абдусалим Маҳмудовнинг таъзия маросимидан қайтаётиб ёзаётirman.**

**Оғир хасталик охир-оқибат маҳоратли хамкасбимиз Абдусалим Маҳмудовни енгди.**

**Кейинги пайтлар Абдусалим жиддий касаллик билан курашаётган, ҳатто Ҳиндистонга бориб даволаниш вариантлари кўрилатган эди.**

Шу орада, 2025 йил 30 декабрь куни Нурафшондаги катта арча майдонида ўтган Янги йил тадбирида кўнгли кўтарилсин, деган ниётда вилоят ҳокими тавсияси билан алоҳида тақдирлаган эдик. У "Йилнинг энг яхши бош муҳаррири" дея эътироф этилди. Касалхонада ётганига қарамай, ўзи келди. Саҳнага чиқди. Вилоят ҳокими Зойир Мирзаевнинг кўлидан махсус мукофотни қабул қилиб олди.

Ўша тобда ҳам юзида дард эмас, ғурур ифодаси бор эди – касаллик эмас, касбидан ғурурланиш ва яшашга иштиёқ ғалаба қозониб турган эди, гўё.

Жигарранг қаламда

Ёзилган ҳақиқатлар



Абдусалим, дарҳақиқат, жуда шижоатли, руҳи баланд журналист эди. У ҳақиқатни ҳимоя қилишни касбий бурч эмас, виждон амри деб биларди. У, айталик, Паркентнинг аллақайси қишлоғида тандир қуриб, сомса сотганида ҳам ё кабобпаз бўлганида ҳам тўғриси бўларди. Бирор билмаган сайёҳга исмалоқ сомсани мадордан деб, совлиқдан қилинган кабобни кўзи-кўчор гўшtidан, деб ўтказмасди.

Бугун энди афтига "Халқ дарди" деган никобини тақиб олиб, ҳам шантж, ҳам монтаж билан шуғулланадиганлар, ўзларини бемалол матбуот вакили, журналист деб атайдиган тирранчалар, ижтимоий тармоқни отбозорга, ўзларини бу бозорнинг ягона қозиси, даллолига айлантириб олган мошениклар ҳаммаёқни чигиртка бапосидек босиб кетган бир пайтда Абдусалим каби касбимиз ҳимоячиларининг йўқлиги янаям кўпроқ билинади...

Абдусалим билан уч йилдан ортироқ вилоят газетасида елкама-елка ишладик. Кейин мустақил ишга, ўзи туғилиб ўсган Паркент тумани газетасига раҳбар бўлиб кетган эди.

Муҳаррирлик йилларим нозик-нозик идоралардан энг кўп кўнгироқлар, шов-шув ва тўполонлар айнан Абдусалим ёзган танқидий материаллар ортидан бўлган, десам муболага қилмайман.

Ўша йиллари вилоят прокурори бўлган инсон (бу инсон ҳозир ҳам катта лавозимда) билан бир материал устида баҳслашиб қолишганида, мен мурося йўлини танламоқчи бўлдим. Мансабнинг салобати босди, шекилли. Ҳар ҳолда, вилоят прокурори, иккинчи сектор раҳбари деган маҳобати бор.

Ўшанда Абдусалим: "Бу мақола албатта чиқади, вилоят газетасидан олдириб ташлангиз, республика газетасида чиқараман!" деб шарт телефонни қўйиб қўйганига шахсан гувоҳман.

Шу бўлдию кейин ҳуқуқ-тартибот идораларига анча ноқулайлик туғдирган "Тадбиркорлар хиргойиси: "Ундиройин дермусиз ё синдиройин дермусиз" сарлаҳали фельетон "Тошкент ҳақиқати" газетасида чоп этилди. Ҳеч ким, ҳеч қандай босим қилолмади. Тазийқ ўтказмоқчи бўлганларга Абдусалим икки-уч оғиз гап билан жойини кўрсатиб қўя оларди. У қонунни яхши

билар, юристлар билан қонун тилида баҳслашиб, далил билан енгарди.

Ҳуқуқий жаргонлардан тортиб, жиноят кодексигади моддаларнинг қайси бири жиноят олами вакиллари тилида қандай атилашигача билишини кўриб ҳайратланардим.

Масалан, у бирор жиноятчи-маҳкум ҳақида гап кетса: "А уми, "Ҳозир келаман" деган статья билан қамалган" дерди. Билмаган одам, Абдусалим "Жиноят кодекси"нинг 168-моддаси – фирибгарлик ҳақида гапирётганини тушунмайди, албатта.

Абдусалим сўнги нафасигача газетачи бўлиб қолди.

Вирусология институтида оғир аҳволда ётар экан, саҳифаловчига Telegram орқали овозли хабар ташлаб, газета саҳифаларини тушунтирарди. "Паркент тонги"нинг Абдусалим Маҳмудов муҳаррирлигидеги охириги тўрт-беш сони айнан шу тақрид чоп этилди.

Бу газеталарни варақлар эканман, жигар тўқималари ўлиб бораётган ижодкорнинг юрак тўқималари тирик бўлганига ишонаман...

Кечагидек эсимда, 19 январь – душанба куни эди. Тушдан кейинги "Ҳокимлик соати" йиғилишида кўриладиган масалалар кўп экан – йиғилиш ҳўйла чўзилди. Мақлиддан бўшаб, телефонни ёқсам, Абдусалим бир неча бор кўнгироқ қилибди. Жавоб бўлмаганига мана шундай овозли хабар юборибди. Бу сатрларни ёзар эканман, шу хирилдоқ ва хаста овозли хабарни қайта эшитдим:

"Туғилган кунингиз муборак бўлсин! ... .."

Бугун жуда қувончли кун бўлди, шундай енгилман, шундай хурсандман, Хайриддин ака (адиб Хайриддин Султон – таҳр.) Халқ ёзувчиси унвонини олибдилар. Сиздан илтимос, менинг ҳолим бу, газетамизнинг навбатдаги сонига шу ҳақда ўзингиз чиройли қилиб бир нима ёзиб беринг, шу нарса тарих учун Паркент газетасида албатта чиқиши керак, илтимос, ёритилмай қилиб кетмасин..."

Мен Абдусалимнинг ҳолатини тушуниб турганим учун дарҳол тахририят котибияти билан боғландим, Халқ ёзувчиси учун "Паркент тонги" газетаси муштарийлари номидан култов матни ёзиб, саҳифаловчи Тоҳир акага қаерга қандай жойлаштиришни тушунтирдим.

Устозларга, дўстларга садоқат бобида ҳам у ҳаммамизга ўрнак эди.

Устози – машҳур журналист Сафар Остонов кўнгириб вафот этганида, ўша пайтдаги қатъий карантин чекловларига кўра, майитнинг ёнига ҳеч кимни йўлатишмаган. Аммо Абдусалим барибир кирган. Шифохонани бошига кўтариб, тўполон қилиб бўлса ҳам кирган. Устозининг жонсиз оёқларини кучиб, йиғлаб хайрлашганини бизга ҳам кўзда ёш билан гапириб берган эди...

Мен устозларга садоқат бобида мумтоз намуна кўрсатган ва кўрсатиб келаётган учта инсонни шахсан танийман. Биринчиси ҳофиз Фахриддин Умаровга шоғирди Ҳожиакбар Ҳамидовнинг хизмати, иккинчиси адиб Незмат Аминовнинг этагини тутган Журналист Журевнинг оқибати, учинчиси журналист Сафар Остоновга эргашган Абдусалим Маҳмудовнинг меҳрибонлиги...

Абдусалим дўст-ёр учун ҳатто заҳар ичишга ҳам тайёр йўғит эди. Шунданми, кўпинча улфатлар раъйини қайтаролмай, кўнгилбўшлик қилиб қўярди...

Бу жигарига ўнглаб бўлмас азиятлар етказётгани билинганида эса, афсуски, анча кеч бўлган экан...

Саида Зуннунованинг бир сатри ёдга келадиги беихтиёр:

*Одамлар, авайланг бир-бирингизни, Гул ҳам, муҳаббат ҳам тиррикка керак...*

Абдусалим кетди, аммо у ҳимоя қилган ҳақиқатлар, у ишонган адолатлар барибир яшайверади.

Охиратингиз обод бўлсин, фидойи хамкасб, дилкаш дўст!

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

Навоийни ОЛМОНЧА "СЎЗЛАТГАН" ОЛИМ



Ўтган асрнинг 90-йиллари. Ғайбулла Саломовнинг Бодомзордаги ҳовлиси гўё оддий бир хонадон эмас, балки ўзбек таржима мактабининг норасмий маркази эди. Бу ерга шоғирлар, олимлар, таржимонлар тез-тез келиб турар, илм ва ижод ҳақида қизгин баҳслар кечарди.

Қаттиқ касалликдан кейин яна фаолиятга қайтган Устоз илмий кадрлар тайёрлаш, янги китоблар чоп этиш, таржима санъатини юксалтириш билан банд эдилар. Шу давраларда мен ҳам уларнинг уйларига кўп борганман. Ана шу суҳбатлар орасида бир инсон алоҳида эътиборимни тортган. У олмон тилининг чинакам билимдони, моҳир таржимон Хуррам Раҳимов эди.

Ўша йилларда олмон тилини пухта биладиган ўзбек олимлари бармоқ билан санарли эди: филология фанлари докторлари Мухторхон Умархўжаев, Несимхон Авазбаев, Сано Саидов каби домлаларни биллаш, холос. Хуррам ака эса ана шу сафга ишонч билан қўшилган ёш ва ғайратли мутахассис сифатида намоён бўлган.

Самарқандлик бу йигит Ғайбулла домланинг энг ишончли шоғирларидан бири эди. Устоз Хатирчиға йўл олсалар, кўпинча Хуррам аканинг Германиядан олиб келган қизил "Mercedes"ида кетишарди. Бу шунчаки саёҳат эмас, балки йўл-йўлакай илмий суҳбатлар, таржима ва адабиёт ҳақидаги фикр алмашувлар эди.

Ғайбулла Саломов буюк олмон адиби Гёте ижодининг йирик тадқиқотчиси сифатида немис адабиётини чўқур биладиган шоғирларга эҳтиёж сезарди. Бу борада Хуррам ака устознинг асосий маслаҳатчиси, десам муболага бўлмайди. "Олмон адабиёти қай аҳволда?", "Таржима-чиликда қандай янгиликлар бор?" каби саволларга аниқ ва асосли жавобни айнан у киши берарди.

1991 йилда "Етти оққуш" номли олмон халқ эртаклари тўпламини нашр эттиргани Хуррам аканинг таржимонлигидеги илк катта ютуғи бўлди. Кейин эса ўзбек халқ эртаклари олмон тилига ўгириб, Германияда чоп этирди. Шу тариқа икки халқ адабиёти ўртасида маънавий кўприк барпо этди.

Унинг бу даражага етиши бежиз эмас. Тошкент давлат чет тиллар институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети) аъло баҳолар билан тамомлаб, Москвада – аспирантурада таҳсил олди. Талабалик йилларида олмон муаллими Ёҳан Крауснинг уйда яшаб, тилини тирик муҳитда ўрганди. Таржимонлик маҳорат сабоқларини эса Ғайбулла Саломовдан олди. Илмий шаклланишида москвалик

машҳур олима Элиза Ризелнинг раҳбарлиги катта аҳамият касб этди.

Тилини билиш – бир босқич. Уни ҳис қилиш, услубини англаш, руҳини етказиш – мутлақо бошқа босқич. Хуррам ака ана шу иккинчи босқичга чиққан камсонли мутахассислардан.

Бугун ўзбек китобхонлари ака-ука Гримм эртакларини ўзбекча мутлақо қилаётган бўлса, бу хизматда унинг ҳиссаси катта. Худди шунингдек, Германиядаги туркшунос ва марказий осибшунос олимлар ўзбек эртакларини ўқияптилар. Демак, таржима фақат матн алмашинуви эмас, маданиятлар мулоқоти эканини у амалда исботлади.

Юсуф Хос Ҳожибининг "Ўқиган улуг бўлар, билган буюк" деган ҳикмати бор. Чиндан ҳам ўқиш бошқа, билганини ҳаётда қўллаш бошқа. Хуррам Раҳимов ана шу "билганлар" тоифасига киради. У билимини амалга айлантира олган инсон.

Кейинги йилларда таржимон яна бир улкан вазифа – Алишер Навоийни олмон тилида жаҳонга танитишдек масъулиятни зиммасига олди. Навоийнинг 100 та ғазалини олмончага таржима қилиб, "Қаро кўзим" (Mein Schwarzäugiges) номли китоб сифатида нашр этирди. Китоб Германияда ҳам эътироф этилди.

Шунингдек, "Муножот" асарини 22 тилга таржима қилиш лойиҳасида масъул муҳаррир сифатида иштирок этди ва уни қизи Гулрух Раҳимова билан биргаликда олмон тилига ўғирди. Бу – фақат таржима эмас, балки миллат маънавиятини дунёга олиб чиқиш йўлидаги фидойилиқдир.

У бу билан чекланмоқчи эмас. Қалбида Навоийнинг "Хамса"сини олмон тилига тўлиқ таржима қилишдек улкан оруз ҳам мужассам. Агар зарур кўмак топилса, Хуррам ака бу ишни ҳам удаллашига ишонамиз.

Бугунги кунда ўзининг 75 ёшини нишонлаш арафасида турган истеъдодли олим, моҳир таржимон, Германия ва Ўзбекистон илмий жаҳияти ва Ўзбекистон олмон тили ўқитувчилари ассоциацияси раиси Хуррам Раҳимовни чин дилдан муборакбод этами. Шоғирдлари бахтига устоз сиҳат-саломат бўлиб, ўзбек германшиқасига яна узок йиллар хизмат қилсинлар.

**Зоҳид СОДИҚОВ,**  
**Наманган давлат университети профессори,**  
**филология фанлари доктори**

**Bir videoni ko'rasiz – tanish chehra. U qiynalganini ro'kach qilib pul so'rayapti yoki uyatli harakat qilyapti. Ishonasiz, xulosa chiqarasiz. Ammo bir necha daqiqadan so'ng bu voqea hech qachon bo'lmagani oydinlashadi. Tasvir ham, ovoz ham sun'iy yaratilgan. Bir zumda tayyorlangan soxta rolik esa insonning obro'si, tinchligi, hatto butun hayotini izdan chiqarishi mumkin. Shunda savol tug'iladi: shunchaki hazil deb qabul qilinayotgan deepfake qachon jinoyatga aylanadi?**

▼ Jamiyat

SUN'YIY TASVIRLAR ORTIDAGI REAL FOJIALAR

Sun'iy intellekt bugun hayotimizning barcha sohalariga kirib bordi. U ishni yengillashtirmoqda, yangi imkoniyatlar ochmoqda, ijodga keng yo'l bermoqda. Deepfake ham ana shu taraqqiyot mahsul. U kino va media sohasida tarixiy obrazlarni qayta jonlantirish, ovozin yo'qotgan insonlarga muloqot qilish imkonini berish, ta'limga murakkab mavzularni jonli tushuntirish kabi qator qulayliklarni yaratmoqda. Biroq undan noqonuniy qo'llanilganda, foydali texnologiya o'ta xavfli qurolga aylanadi.

So'nggi yillarda ijtimoiy tarmoqlarda sun'iy yaratilgan video va audiolar keskin ko'paydi. Kimningdir yuzi boshqa tanaga "qo'yilgan", ovozi soxtalastirilgan, bo'lmagan voqea haqiqatdek ko'rsatilgani shu ixtironing "mahsul" aslida. Ko'pchilik buni "prank", "shunchaki kulgi" deb qabul qiladi. Ammo bunday "kulgi" ko'p hollarda inson sha'ni va qadr-qimmatiga og'ir zarba bo'lmoqda. Roziliksiz tarqalgan soxta tasvirlar odamni jamiyat oldida sharmanda qiladi, unga nisbatan ishonchni yo'qotadi, ruhiy bosimga soladi. Ayrim-

lar esa "prosmotr" va obunachi sonini orttirish ilinjida boshqalarning taqdiri bilan o'ynamoqda. Achinarlisi, shu yo'nashish ortidan oilalarda nizolar ko'paymoqda, hatto ajrim bilan yakunlangan holatlar ham yo'q emas. Muammo shunchaki tasodifiy emas, uni raqamlar ham tasdiqlaydi. Jahonda 2017-2022-yillar oralig'ida atigi yigirmaga yaqin deepfake holati rasman qayd etilgan bo'lsa, 2023-yilga kelib bu ko'rsatkich 40 dan oshdi. 2024-yilda esa 150 taga yetdi. Eng xavotirlisi, 2025-yilning birinchi chora-

gidayoq 179 ta holat aniqlangan. Ya'ni bir necha yil ichida muammo o'nlab holatdan yuzlab holatlarga chiqdi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, deepfake kontentlarning aksariyati nomus bilan bog'liq bo'lib, asosan ayollar nishonga olinmoqda. Bu esa masalaning nafaqat axborot, balki inson huquqlari muammosiga aylanganini ko'rsatadi. Yana bir xavfli jihat – firibgarlik. Inson ovozin sun'iy ravishda ko'chirib, yaqinlariga qo'ng'iroq qilish, pul so'rash, ishonchdan foydalanib aldash holatlari tobora ko'paymoqda. Odam-

lar haqiqat bilan yolg'onni ajrata olmay qolmoqda. Natijada nafaqat alohida shaxs, balki butun jamiyat axborotga bo'lgan ishonchini yo'qota boshlaydi. Muhim jihat shundaki, deepfake'ning o'zi jinoyat emas. Uni jinoyatga aylantiradigan narsa – buzuq niyat. Agar soxta video insonni haqorat qilsa, obro'siga putur yetkazsa, uni jamoat oldida sharmanda qilsa, bu tuhmat va haqorat hisoblanadi. Agar u orqali kimdir pul undirsa yoki aldov yo'li bilan manfaat ko'rsa, bu firibgarlikka aylanadi. Yolg'on axborot tarqatib jami-



yatda vahima uyg'otish yoki vaziyatni beqarorlashtirish esa jamoat xavfsizligiga tahdid sifatida baholalanadi. Bunday holatlarda "hazil qilgandim" degan bahona hech qanday ahamiyatga ega emas. Qonunda hazilga imtiyoz berilmaydi.

Shu bois bugun deepfake'larga qarshi kurash faqat texnik yoki huquqiy emas, balki ijtimoiy ong masalasiga ham aylanmoqda. Qonunchilik kuchaytirilmoqda, soxta kontentni aniqlaydigan dasturlar ishlab chiqilmoqda, platformalar shubhali videolarni cheklamoqda. Ammo eng muhim himoya – odamlarning o'zida: har qanday axborotga ko'r-ko'rona ishonmaslik, manbani tekshirish, shubhali materialni tarqatmaslik.

Muxtasar aytganda, deepfake – bu shunchaki texnologiya. Uning yaxshi yoki yomonligi qay maqsadda foydalanishimizga bog'liq. Ammo bir narsa aniq: bironing sha'ni, obro'si va hayoti hisobiga qilingan "hazil" hazil emas. U jamiyat uchun xavfli va qonun oldida javob talab qiladigan jinoyatdir.

**Robiyaxon AZIMJONOVA,**  
**TDYU talabasi**

## ПАЙҒАМБАР ОТА ЗИЁРАТГОҲИДА

Вилоят ҳокими Зойир Мирзаев даставвал ҳудуд нурунийлари, вилоят зиёлилари ва фаоллари билан биргаликда "Сусам" маҳалласи ҳудудига жойлашган Пайғамбар ота зиёратгоҳига борди. Бу зиёратгоҳ асрлар давомида аҳоли учун муқаддас қадамжо ҳисобланади. Зиёрат чоғида Куръон тиловат қилинди, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, ислохотларнинг изчил давом этиши, халқ фаровонлиги йўлида қилинган эзгу ишларга шукроналик билдирилди.

Шунингдек, зиёратгоҳ ҳудудини ободонлаштириш, муқаддас масканнинг тарихий қиёфасини асраб-авайлаш, зиёратчилар учун қулай шароитлар яратиш масалалари хусусида фикр алмашилди. Вилоят раҳбари бу каби қадамжолар халқимизнинг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутганини таъкид-

тасаддиларни тополсак-ку, хўп-хўп, тополмасак... Сарсонликни айтмай-сизми? Қаранг, шундай кунлар ҳам бор экан. Мана, қишнинг кундаям қишлоғимиздаги текис асфальт йўллардан кириб келдинглар. Яна денг, Президент вакили – вилоят ҳокимининг шахсан ўзи келиб, бизга нима

деган номнинг ўзиёқ табиатнинг рангини ифода этарди. Тоғ бағри йил бўйи кўм-кўк майсалар, турфа ўт-ўланлар билан қопланиб, худди яшил денгиздек мавж уради, ҳавоси эса кислородга бойлиги билан одамнинг кўксини тўлдириб юборарди.

Ёшлар ўртасида "Заковат" интеллектуал ўйини, турли спорт мусобақалари, жамоавий беллашувлар ташкил этилди. Бир тарафда тўп тепаётган болалар, бошқа жойда савол-жавоблар устида бош қотирётган йигит-қизлар. Мусобақа ғолиблари вилоят ҳокими томони-

гини аниқладим. Кексаларда бундай хасталиқлар бўлиши табиий ҳол. Биз хизмат юзасидан кўп жойларда бўламиз. Овжасой бўйича хулосам шуки, бу қишлоқнинг аҳолиси бошқалардан нимаси билан ажралиб тураркан, айтайми: одамларнинг аксариятида саломатлик билан боғлиқ шикоят йўқ экан. Сабабини кўриб турибсиз, чанг-ғубор йўқ топ-тоза ҳаводан нафас олишади, табиатнинг гўзал манзараларидан баҳраманд бўлиб, кенгликларда чорва боқишади. Икки қадам жойгаям транспортда боришмайди, кўпроқ пиёда юришади. Болажонлар эрта тонгда қир-адирларда ўсган турли-туман ўт-ўланларни еб боқилаётган сипирларнинг сут-қатигини ичиб, тоғда юрган кўчорларнинг гўшларидан еб, сойларнинг тиниқ сувларида чўмилиб катта бўлишяпти. Бундай шароитда одам касал бўлармиди?

## ГУЛХАН АТРОФИДА ЖОНЛИ ИЖРОЛАР

Қуёш тоғ ортига яширинган пайтда эса қишлоқда яна бир гўзал манзаранинг гувоҳи бўлдик. Очiq осмон



# Овжасой – ХАРИТАНИНГ ЧЕТИДА, МЕҲРНИНГ МАРКАЗИДА



лаб, уларни сақлаш ва янада обод этиш доимий эътиборда бўлишини кайд этди.

## ЎҚИТУВЧИНИНГ ТАЪРИФИ

– Қишлоғимиз вилоят марказидан саксон, Оҳангарон марказидан қирқ километр узоқликда жойлашган, – дейди биз билан суҳбатда 46-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Муборак Ашуралиева. – Овжасойга Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан "Туризм қишлоғи" мақоми берилган. Уч юздан зиёд хўжалик ва икки мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган бу мўъжазгина қишлоғимизни таърифласак, эҳ-ҳе, сўз тополмаймиз! Ҳазил аралаш гап юради: "Гўзаллик ишқибозлари иккига бўлинади: Овжасойга келганлар ва келмаганлар!" Бу ердаги пурвиқор тоғлар сахарда ва шомда кўкмирт тусга қиради. Шунинг учун "Мовий тоғлар" дейилади. Инсоннинг феъл-яшаш табиати нуқси уради. Овжасойликлар ҳам қадди чўқилардек тик, гурури тоғлардек баланд одамлар.

## МЕЗБОННИНГ ЭЪТИРОФИ

Палатка шароитида ташкил этилган қабулда маҳалла аҳли эрта тондан жам бўлди. Кимдир ер масаласи, кимдир иш ўрни, яна кимдир инфратузилма бўйича таклиф ва муурожаат билан келган.

Энг муҳими, масалалар орқага сурилмади – тегишли раҳбарлар шу жойнинг ўзида ечим излади. Айрим муаммолар дарҳол ҳал этилди, ўрганиш талаб қиладиганлари бўйича муддат ва масъуллар белгилаб олинди.

Сотиволди Аҳмедов хонадониди вилоят ҳокимининг қишлоқ фаоллари ва меҳнат фахрийлари билан учрашуви бўлди. Дастурхон атрофидаги гурунларда самимиёт уфубуриб турарди. Ҳоким дилдан суҳбатлашди. Нима ёрдам керак бўлса, барчасини бажаришга тайёрлигини айтди.

– Ажиб замонларни кўрдик, – дейди дуога қўл очган отахон Сотиболди ака. – Мабодо қишда қишлоқда ҳал қилиб бўлмайдиган иш чиқиб қолса, бир метрлаб қор ёғсамиз тоғнинг баланд-паст йўллариди қийналиб, туман марказига борардик. Му-

хизмат деб турса-я!

Ҳа, Янги Ўзбекистонда инсон азиз, қадрли ундан-да азиз. Юртбошимиз томонидан бошланган ислохотлар чекка ҳудудлардаям давом этаётгани, одамлар буни ҳис қилаётгани кўнгилларни қувонтиради.

## МОВИЙ ТОҒЛАР – НЕГА ШУНДАЙ АТАЛГАН?

Оҳангарон туманининг бу олис ҳудуди Курама тоғ тизмаси этакларига тўғри келади. Бу ердаги пурвиқор тоғлар тонг сахарда ва шом пайти кўкмирт тусга қиради. Бу – ҳаводаги намлик, туман ва қуёш нурларининг тош-қояларга тушиши билан боғлиқ табиий оптик ҳолат. Шу сабаб маҳаллий аҳоли бу ҳудудни азалдан "Мовий тоғлар" деб атаб келган. Бу ерда тоғ ўтлари, бодом, арча, ёввойи мевали дараклар кўп учрайди. Ҳавоси тоза ва салқин – айниқса ёзнинг жазирама кунлари ушбу маскан ниҳоятда баҳаво жойларга айланади.

Қишда эса табиати гўзал ва хушманзара. Қишлоқнинг юқори қисми экотуризм учун жуда қулай.

Олмаликлик олим Абдурашид Ҳасановни ҳам шу ерда учратдик. Абдурашид ака бу маскан тарихи билан боғлиқ маълумотларни сўзлаб берди.

– 1915 йилларда бу ерларда бор-йўғи кичик бир маҳалла мавжуд бўлган. Тоғлар паноҳидаги бу гўша гўё табиатнинг ўзи асраб қўйган сокин бир кўрғонни эслатарди. Бироқ 1917 йилги шўро инқилобидан кейин замон шомоли бу ерларни ҳам четлаб ўтмади. Раҳмон кўрбошининг йигитлари таъқибдан қочиб, айнан шу тоғлар бағрига келиб яширинган эканлар.

Оқча қишлоғида катта ҳарбий отряд тузилиб, уларга кўрбошининг йигитларини йўқ қилиш топшириги берилибди. 1930-йилларга келиб, бир-икки сотқиннинг кўрсатмаси билан қизил аскарлар кўрбошини шу ерда топишади. Аммо эл орасида кўрбошининг рафиқаси ҳақида ҳали-ҳануз жасоратли ривоятлар юради. Айтишларича, у эрининг қотилларидан қасос олган, юраги тоғдек қатъиятли аёл бўлган экан.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу ҳудудга келганлар унинг номига қизиқиш билдиришади. "Кўктов"



Бу ернинг номини сўраганларга мўйсафидлар "Кўктов", яъни "Синие гори" деб тушунтиришар эди.

Вақт ўтди. 1960-йиллар охирида бу тоғлар бағрида дала ҳовлилар, болалар оромгоҳлари қад кўтара бошлади. Табиат бағридаги бу муссаффо маскан ором ва соғлом ҳаёт тинчлигига айланди. Қишлоқ аҳолиси ҳам аста-секин пастроққа кучиб, янги ҳаёт сари юз бурди.

1989 йилнинг октябрга ўзбек тилига давлат мақоми берилган, тарихий ва маънавий адолат тикланди: "Синие гори" яна ўз она тилидаги гўзал номини қайтариб олди: "Мовий тоғлар" бўлиб...

## "ЭНДИ ФУТБОЛНИ ЯЙДОҚДА ЭМАС, МАЙДОНДА ЎЙНАЙМИЗ!"

... деб, қишлоқ ёшлари вилоят ҳокими қабулидан кўтаринки кайфиятда қиқиб келишди.

46-мактаб филиали ҳудудиди палатка шароитида Зойир Мирзаев сайёр қабул ўтказди. Аҳоли муаммолари тингланди ва жойида ҳал этилди. Қишлоқ мактабига ёпиқ спорт зали қуриб берилдиган бўлди. Сунъий қопламали стадион қуриб бериш масаласи ҳам ижобий ҳал бўлди. 2026 йилда қишлоқни ривожлантириш дастури, режаси ишлаб чиқиши айтилди. Хуллас, "Раҳбар ва ёшлар" учрашуви ўзгача руҳда ўтди.

## ЗЕҲН ВА КУЧ БЕЛЛАШУВИ

Куннинг иккинчи қисмида одамлар йиғилган майдон катта томоша ҳолига айланди. Кўчаларда кулги, қийқирик, қувончли овозлар янгради.

дан тақдирланиб, ёшларга янги руҳ ва ишонч бағишланди.

## ТЕЛЕФОН ЭМАС, КИТОБ ҲИДИ АНҚИБ ТУРГАН ҚИШЛОҚ

Тоғларга кўп чиққансиз, биласиз. Доимий мулоқотга ўрганган одам худди бир нимасини йўқотиб қўйганга ўхшаб қолади. Чунки бундай балангликларда телефон антенналари "қайсарлик" қилади. Овжасойга кўплаб ОАВ ходимлари, блогерлар боришган эди. Улар шу ернинг ўзидан жонли репортажлар уюштириб, эфирга беришлари керак эди. Аммо... кўпчилик шу масалада қийналиб қолди.

Тоғлар бағрига яширинган Овжасой эса оддий кунда ҳам сокин ва осуда. Телефонларга унчалик ҳам "меҳр" бермаган шу қишлоқнинг одамлари айтганидек, бу ерда вақт бошқачароқ ўтади – одамлар экранга эмас, кўпроқ китобга қарашади. Меҳр-оқибатли инсонлар даврасида самимиёт суҳбатлар кўп бўлади...

## ШИФОКОРНИНГ ХУЛОСАСИ: ТОҒЛИКЛАР СОҒЛОМ БЎЛАДИ

Овжасойда Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази шифокори Оромқул Зокиров билан суҳбатлашдик.

– Шермат Ҳалимов деган жарроҳ билан келган эдик, – дея гап бошлади у. – 40 дан зиёд фуқарони қабул қилдик. Уч нафаргина одамда касаллик аниқланди. Қолганларнинг бари соппа-соғ. Тўғри, мен энди лор-врач сифатида 70-80 ёшлардан ошган қарияларда эшитиш заифлиги билан боғлиқ муаммолар борли-

остида "Мунаввар оқшомлар" дея номланган кеча бошланди. Саҳнада янграган куй-қўшиқлар, болаларнинг қувноқ овози, гулхан атрофидаги давра – барчаси қалбга яқин, самимиёт.

Алишер Файз, Аслиддин Дўстов, Алижон Исоқов каби таниқли хонандалар ижроси кечага янада фойз бағишлади. Гулхан тафтидан юзлар қизарди. Одамлар рақсга тушди, кексаю-ёш бир даврада қўшиқ куйлади.

Уч нафар фарзанднинг онаси Мавлуда опа кулиб шундай деди:

– Бундай кечалар одамни бир-бирига яқинлаштиради. Болаларимиз телефон эмас, саҳна томон югुरётганини кўриб, хурсанд бўламиз.

## ҚАЛБЛАРГА ЯҚИН МАНЗИЛ

Овжасой хаританинг чекка нуқтаси бўлиши мумкин. Аммо бу ердаги одамлар қалби, меҳри ва ҳаёти марказидан кам эмас. Баланд тоғлар орасида интернет сигнали баъзан "йўқолиб" қолиши мумкин. Лекин инсонлар ўртасидаги алоқа, самимиёт ва меҳр бу ерда доимо кучли.

Шу кунни вилоят раҳбари ва бошқарма бошлиқлари ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олишди, совғалар тарқатишди. Қишлоқ байрам тусига кирди. Гарчи атроф оппоқ қор бўлса-да, баҳорий, наврўзий кайфият ҳукм сурарди. Худди баҳор эрта келгандек. Бир ёқда ёшлар ўртасида спорт мусобақалари давом этар, бир ёқда хунармандлар меҳнатларини кўз-кўз қилишар, бир ёқда фольклор жамоаларининг чиқишлари зўр олқишлар билан қарши олинар эди. Бу қувончлар биз – меҳмонларга-да юкди.

Қишлоқ оқшоми ҳам тароватли эди. Таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқ садолари узоқ давом этди. Шундай пайтда кўнглингандан бир ўй кечади: "Алёрнинг бардавом бўлсин, Овжасой!"

Гуриллаб ёнаётган гулхан атрофида хонанда йигит қўлда тор билан "Ўзбегим"ни бошлаганда давра аҳли унга жўр бўлди:

*Ўзбегим деб кенг жаҳонга  
Не учун мадҳ этмайин!  
Ўзленим билмоққа даврим  
Берди имкон, ўзбегим.*

Овжасойдан қайтар эканмиз, севимли шоиримиз Махмуд Тоирнинг ушбу мисралари хаёлни эгаллади:

*Тоғларга чиққаннинг  
барчаси айтар,  
Мангу яшил гули, арчаси  
айтар,  
Тоғларга чиққанга улуглик  
ёрдир,  
Тоғларга чиққанлар тоғ  
бўлиб қайтар...*

**Тўхтамурод ҲАСАНБОВЕВ,  
Зиқрилла МУҲАММАД,  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари  
Жалолиддин ЭСОНОВ ва  
Меҳридин ИБРАГИМОВ  
олган суратлар**



**TOSHKENT HAQIQATI  
TASHKENTSKAYA PRAVDA**

Muassis:

**TOSHKENT  
VILOYATI  
HOKIMLIGI**



"Toshkent haqiqati" va  
"Tashkentskaya pravda"  
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV  
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV  
Ummat MIRZAQULOV  
G'afurjon MUHAMEDOV  
Sayyora FAYZIYEVA  
Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR  
Azamat MIRZAYEV  
Uskenboy ATEMOV  
Abdulla XURSANOV  
Otabek SULTONBEKOV  
Kumush EGAMBERDIYEVA  
Olimjon BEGALIYEV  
Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,  
nashr uchun mas'ul:  
Suhrobjon SADIROV  
Mas'ul kotib:  
Alloma AZIZOVA  
Navbatchi:  
To'xtamurod HASANBOYEV  
Ekspeditor:  
Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:  
(55) 520-64-95  
Bosh muharrir o'rinbosari:  
(55) 520-04-10  
Mas'ul kotib:  
(55) 520-05-10  
Bo'lim muharrirlari:  
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20  
E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:  
(55) 520-21-20  
e-mail: toshkenthqiqati@gmail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20:00.  
Bosishga topshirildi – 19:20.  
Nashr ko'rsatkichi – 205.  
Buyurtma G-135.  
8 410 nusxada chop etildi.  
Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida  
bosildi. Qog'oz bichimi A–2.  
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida  
2011-yil 12-yanvarda  
03-001 raqami bilan  
ro'yxatga olingan.

Manzil:  
111500, Nurafshon shahri,  
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.  
Toshkent shahridagi  
ofisimiz: Bektemir tumani,  
Ittifoq ko'chasi, 2.  
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»  
tahririyati kompyuter markazida  
terildi va Tahir Mahmudxo'jayev  
tomonidan sahifalandi.  
Haftaning  
chorshanba va shanba  
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida bosildi.  
Korxonasi manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.